

ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИГИ-


МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ

ТАРИХИ



ОРГАНИЗАЦИЯ ДЖАДИДОВ В СРЕДНЕЙ АЗИИ

ئورتا ئاسيادا جددىلارنىڭ تەشكىلاتلىرى



УСЛОВНЫЕ ЗНАКИ

- ОРГАНИЗАЦИИ
- ГДЕ ИЗДАВАЛИСЬ ГАЗЕТЫ
- ▲ НОВЫЕ МЕТОДИЧЕСКИЕ ШКОЛЫ

علامتلىرى

- تەشكىلاتلار
- گەزىت نەشر قىلغان جايلار
- ▲ يەڭگە ئۇسۇلدىكى مەكتەپلەر

Бухарита тахминан XX асрнинг 20-йилларида ГПУ (Давлат сиёсий бошқармаси) ходимлари томонидан ғаразли мақсадда махсус тузилган

**Сотимжон Холбоев, Улуғбек Долимов,
Бойбўта Дўстқораев, Қахрамон Ражабов,
Неъматжон Полвонов, Убайдулла Розиқулов,
Обиджон Тангиров, Бахтиёр Эгамов**

**ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИГИ –
МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ТАРИХИ**

(XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИ)

“Наманган” нашриёти

Наманган - 2012

УДК:94(575.1)
63.3(5Ўзб) 531
X-72

Илмий лойиҳанинг муаллифи ва раҳбари:
тарих фанлари номзоди, доцент **Сотимжон Холбоев**

Масъул муҳаррир:
сиёсий фанлар доктори, **Қаҳрамон Қуранбоев**

Такризчилар: **Муҳаммаджон Абдурахмонов**, тарих фанлари доктори.

Баҳодир Эшов, тарих фанлари доктори, профессор

Монографияда ижтимоий-дунёвий тараққиётга, илм-фан ва ислоҳотчиликка тўсик бўлиб келган мусулмон мутаассиблигига, Россиянинг империалистик ва коммунистик мустамлакачилигига қарши курашган буюк ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, тамаддуний-дунёвий, ғоявий-мафкуравий жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндалари жадидлар ила Туркистонда XIX аср охири - XX аср бошларида юз берган Миллий уйғониш – Ренессанс даври тарихи мавжуд ҳужжат ва адабиётлар асосида биринчи бор имкон қадар анча кенг миқёсда тадқиқ этилган. Баъзи бир илмий хулосалар олға сурилган.

Асар тарихчи мутахассислар ва тарих билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

* * *

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат кўмитасининг 2007-2011 йиллардаги фундаментал тадқиқотлар дастурлари доирасидаги ОТ-Ф8-239 рақамли илмий лойиҳа гранти асосида ёзилиб, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-техникавий кенгаши томонидан 2011 йил 22 октябрда нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-328-83-9

НГ 1028-2891,25-1516250 2012
1029-(20,25)-(04)

© С.Холбоев, «Наманган» нашриёти

**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
20 йиллигига ва шу мустақиллик учун курашиб шаҳид кетган
жадидларнинг руҳи покларига бағишланади**

Мустақиллик шарофати

Мустақиллик – буюк неъмат ва олий ҳикмат. Шукроналар бўлсинки, бунга эришдик. Ватан ва Миллатимиз бир юз ўттиш йиллик мустамлака зулмидан озод бўлганлигининг йигирма йиллигини жуда катта қувонч ила нишонладик. Бу давр ичида ҳамма жабҳа ва соҳаларда беҳад улкан ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, гоъвий-мафкуравий, моддий-бунёдкорлик, илм-фан ва техникавий ютуқларни қўлга киритдик.

Мазкур монографик асарни мана шу Мустақиллик шарофати ила тарихчи, сиёсатшунос ва бошқа олимларимиз томонидан яратилган салмоқли тадқиқотлар сирасига киритиш мумкин. Бунинг учуи унда тарихий далиллар, илмий маълумот, хулоса ва фикрлар етарли. Шуни ҳам айтиш керакки, бу асар Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида ёзилиб, унга бағишланишида ҳам ўзига хос ва мос мазмун ҳамда моҳият, шу билан бирга, унда мустақиллик давр талабларига ҳозиржавоблик оҳанглари мавжуд.

Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли олим Озод Шарофуддинов айтиб кетганларидек, жадидчилик ҳаракати ҳақида ёзилган асарлар кўп. Лекин «уларнинг ҳаммасида ҳам жадидчилик тўғри талқин қилинавермайди. Аксариятида у бир томонлама маданий-маърифий ҳаракат сифатидагина баҳоланган».¹ Ушбу асар мана шу «бир томонламалик»ка барҳам берилишига катта ҳисса қўшган. Жадидчилик ўз даврида жуда кенг қамровли ҳаракат бўлганлиги, мустамлака давридаги ўта зиддиятли ҳаётининг ҳамма жабҳаларини ўз ичига қамраб олган миллий маданий-маърифий, гоъвий-мафкуравий, миллий-озодлик, ислоҳотчилик ҳаракати бўлганлиги тарихий воқелик ҳамда фактик материаллар асосида кўрсатилган.

¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Т.: «Маънавият», 2002, 3-бет.

Мана шу кўп кирралилик асарнинг мазмун-мундарижасида ўз аксини топган. Энг муҳими, жади́дчилик маданий-маърифий, ғоявий-мафкуравий ва ислохотчилик кўринишидаги, мусулмон мутаассиблиги ва Россия мустамлакачилигига қарши кенг жабҳадаги жиддий уюшган миллий ижтимоий-сиёсий ҳаракат эканлиги асарнинг бошидан охиригача тўла маънода сингдирилганлигидадир. Дарҳақиқат, жади́дларнинг асосий мақсади миллатнинг маданий савиясини кўтариш, тафаккурини янгилаш билан, унинг ўз кадр-қиммати ва ўзлигини англатиш орқали миллий-озодлик курашини кучайтириш, Ватан ва Миллатни мустақил қилиш бўлгани маълум.

Асарда қайд қилинганидек, Мунавварқори Абдурашидхонов жади́дларнинг мақсади ҳақида шундай деб ёзади: «У (жади́д - Қ.К.) ларнинг энг яхши кўрган шиори: **Озодлик, Тенглик ва Адолат бўлган**». Бу уч сўзнинг маъноси жуда кенг. Уларда Ватан ва Миллатни мустамлака кишанидан, мутаассибликдан озод қилиш, тараққий этган мамлакатларга тенглаштириш, миллий давлатчиликни тиклаш асосида халқчил адолатли жамият кураш ғояси мужассамлашган эди.

Тарих сабоғи – тараққиёт ва келажак маёғи – машъали дейдилар буюк алломалар. Агар мана шу нуқтаи назардан жади́дчилик ҳаракати тарихига назар ташласак, унда бугунги мустақиллигимизни дунёга келиши ва уни мустаҳкамлаш учун асос бўлган ғоя ва кураш усуллари кўриш мумкин. Бунини тўғри англаган ҳолда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов биргина Абдулла Авлоний мисолида жади́дчилик ҳаракатига жуда юксак баҳо бериб ёзадилар: «Мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қила-ман. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир».¹

Англашимизча, Президентимиз «Ўтмиши буюкнинг келажаги буюк» деган хикматларида ўтмишимиздаги уч буюк уйғониш давларини ҳам назарда тутди. Булар IX-XII асарлардаги ўрта асрлар, XIV –

¹ Барқамол авлод орзуси. –Т.: «Шарқ», 1999, 3-бет.

XV асрлардаги Темур ва темурийлар давридаги буюк уйғонишлар, шунингдек, XIX аср охири - XX аср бошларида жади́дчилик ҳаракати туфайли юз берган Миллий уйғониш давлари́дир.

Масалан, улар жади́дчилик ҳаракати – Миллий уйғониш даври бўлганлигига алоҳида эътибор бериб, шундай дейдилар: «XX аср бошида, мустамлакачилик зулмига қарамай, халқимиз янги уфқларга – миллий уйғониш ва эркинлик сари интилиб яшаган бир даврда буюк аждодларимиз – жади́длар томонидан амалга оширилган бу улкан иш, бу ҳаракатни ўзига хос маънавий жасорат намунаси, деб айтиш мумкин».¹

Асарнинг бугунги кундаги илмий-амалий аҳамияти катта. У давлат гранти маблағи асосида кўп йиллардан бери жади́дчилик ҳаракати тарихи, жади́д миллий адабиёти ва педагогикаси, жади́д миллий матбуоти ва жади́д миллий-озодлик кураши масалалари билан машғул бўлиб келаётган жади́дшунос олимлар С. Холбоев, У. Долимов, Б. Дўстқораев, Қ. Ражабов, У. Розикүлов, Н. Полвонов ва ёш жади́дшунослар Б. Эгамов ҳамда О. Тангиров томонидан ёзилган. Буларнинг ўзaro илмий ҳамкорлиги тадқиқот муваффақиятли яқун топишига катта имкон берган.

Ушбу асар мустақиллигимиз мустаҳкамланаётган, миллий истиқлол ғояси ва мафқураси такомил топаётган бир пайтда барча илм аҳли ва кенг китобхонларга муносиб армуғон бўлади, деган умиддамиз. Жади́длар истиқлол учун курашиб шаҳид кетдилар. Мустақиллик эса бизларга насиб этди. Мана шунинг учун ҳам уларнинг тарихий хизматларини қадрлаш ва мустақилликни мустаҳкамлаб, келажак авлодларимизга абадий қолдириш масъулияти бизларнинг ва айниқса, ёшларимизнинг зиммасидадир.

Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ,
сиёсий фанлар доктори.

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 31 август.

Муқаддима

Жаҳон тарихшунослигида маълум даврларда жамиятда тарихан юз берган туб маданий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий, гоёвий-мафкуравий, тамаддуний бурилиш ҳамда ислохотчилик, илм-фанлар тараккий этган, шунингдек, миллатнинг маданияти, дунёқараш ва тафаккуридаги янгиланишлар даври Уйғониш-Ренессанс даври деб аталади.

Мана шундай буюк уйғонишлар даври ватанимиз тарихида уч маротаба бўлиб ўтгани барча илм аҳлига маълум. Буларнинг биринчиси, IX-XII асрларда юз берган Ислом уйғониши бўлган бўлса, иккинчиси эса XIV-XV асрларда тарихан муҳим воқеа бўлган Амир Темур ва темурийлар давридаги уйғониш бўлди. Бу икки давр бутун дунё ва айниқса, XIV-XVI асрлардаги Европа уйғониши ва илм-фани таракқиётига катта ҳисса қўшганлиги дунё олимлари томонидан тан олинган.

Навбатдаги учинчи уйғониш даври орадан тўрт асрдан мўл вақт ўтгач, тарих тақозосига кўра, XIX аср охири – XX аср бошларида юз берди. Бу уйғониш олдинги икки уйғониш даврларидан фарқли равишда Миллий уйғониш даври бўлиб, у ўша даврда тарихан ривожланган жадиличлик ҳаракати ва унинг намояндалари – жадиждар билан бевосита боғлиқ воқеа бўлди.

Жадиждар кўп йиллар мобайнида мутаассиблашиб дунё таракқиётидан орқада қолган миллий мусулмон зиёли (уламо, қори, мулла, мадраса талабалари, мактаб ва мадраса муаллим)ларидан ажралиб чиққан, диний-дунёвий дунёқарашга эга бўлган мутлақо янги илғор руҳдаги миллий табақа зиёлилари эди. Уларнинг асосий бош мақсади - Миллат ва Ватанни мутаассиблик ҳамда Россиянинг икки – чор ва коммунистик мустамлакаси исканжасидан озод қилиб, бой-бадавлат, обод этиш, тараккий эттириш бўлди. Бунинг учун жадиждар эски кураш усуллари - кўзғолон ва ғалаёнларни инкор этган ҳолда маданий-

маърифий ва тамаддуний, ғоявий-мафкуравий, ислохотчилик, тинч демократик курашни авж олдирдилар.¹

Натижада Ватанни тўла озод этишнинг иложи топилмаган бўлса-да, мустамлакачиликка жиддий зарба берилди, энг муҳими, юқорида айтиб ўтилган Миллий уйғониш ҳодисаси тўла маънода қарор топди. Бу тарихий ҳақиқат коммунистик мустамлака – совет даврида ғаразли мақсадда инкор этиб келинди. Жадидчилик риакцион «буржуа оқими», деб кўрсатилди. Жадидлар эса «савдо буржуаси», «халқ душ-мани» сифатида қораланиб, қарийб ҳаммаси жисмонан қатағон қилиб тугатилди.

Фақат истиқлолдан сўнг умуман ўтмиш тарихимиз, шунингдек, жадидчилик тарихи, жадидлар фаолиятини ҳаққоний ёзиш имкони пайдо бўлиб, бу соҳада каттагина янги руҳдаги илмий ишлар амалга оширилди. Энг аввало шунини айтиш лозимки, Президент Ислам Каримов биринчилардан бўлиб, жадидчилик ҳаракати ҳамда унинг намояндалари – жадидларга нисбатан жуда тўғри ва объектив сиёсатни белгилаб берди. Жумладан, «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида жадидларнинг тарихий хизматларига юксак даражада одилона баҳо бериб, шундай дейилади:

«Чиндан ҳам, тарихимизнинг қайси даврини олмайлик, юртимизда илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамаганини, халқимиз даҳосининг ўлмас тимсоли сифатида эиг оғир ва мураккаб даврларда ҳам яққол намоён бўлиб келганини кўришимиз мумкин.

Масалан, чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади»².

¹ Бу билан биз жадидлар мустақиллик учун курашда ташкилий қуролли кураш ва очикдан-очик уруш усулини мутлоқ инкор этган демократи эмасмиз Улар босқинчиларга қарши кураш усулларини давр ва муҳит шароитидан ҳамда қарама-қарши кучлар нисбатидан келиб чиққан ҳолда танлаганлар. Масалан, улар коммунистик босқинга қарши «босмачилик уруши»га катта ҳисса қўшгани маълум – С.Х.

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008, 49-бет.

Коммунистик мустамлака – советлар ҳукмронлиги давридаги ғоявий-мафкуравий зулмнинг асосий кўринишларидан бири – тарихимизни марксча-ленинча ғайриилмий методология асосида қоралашга, миллатимизни ўз тарихий илдизидан ажратиб, унинг тарихий хотирасини йўқотишга қаратилди. Бу билангина чекланилмасдан умуман дунё тарихий тараққиёт қонунияти, тарихнинг мазмуни, моҳияти, фалсафаси ва сабоқлари ҳамда тарих фани сохталаштирилди. Мана шундай Ватанимиз тарихининг сохталаштирилган даврларидан бири жадиличлик ҳаракати тарихи бўлди.

Истиқлолдан сўнг жадиличлик ҳаракати ва жадиждар ҳақида маълум соҳалар бўйича кўпгина тадқиқот ишлари амалга оширилди, кўплаб мақолалар ёзилди, салмоқли монографик асарлар чоп этилди. Шунингдек, кўпгина жадиждарнинг ёзма мероси – танланган асарлари «Истиқлол қаҳрамонлари» деган рукн остида биринчи маротаба нашр этилди. Бунда жадиждунос филолог олимларнинг хизмати катта бўлди. Жадиждунос тарихчи ва бошқа соҳа олимлари ҳам каттагина ишларни амалга оширдилар.

Хулоса шуки, мустақиллик йилларида жадиличлик ҳаракатининг кўпгина соҳалари ўз мутахассислари томонидан ўрганилиб, ёритилди. Бунинг натижасида эса жадиждунослик илми кўпгина соҳалар бўйича сезиларли даражада ривожланди. Бунга мисол қилиб, жадиличлик ҳаракати тарихи, жадида адабиёти ва санъати, жадида педагогикаси, жадида ҳуқуқшунослиги, жадида этикаси ва эстетикаси, жадида журналистикаси ҳамда иқтисодиётини кўрсатиш мумкин.

Агар мана шу жадиждунослик соҳалари бўйича яратилган асарларга жиддий эътибор берилса, уларда иккинчи томондан ҳозиргача ҳам коммунистик мафкура ва совет тарих фанининг сохталаштириш асоратларини кўриш мумкин. Масалан, жадиждарни коммунистик синфий душманлик нуқтан назаридан «миллий буржуазия», «буржуазия мафкурачилари», «Шўрои исломия» ва «Шўрои уламо»лар худди совет тарих фанида кўрсатилганидек, сиёсий партиялар маъносида таҳлил қилиниши ва бошқалар шулар жумласидандир.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/2622> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/2622> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2622>